

## Кредитнинг тўлиқ қиймати

—(\_\_\_\_\_) фоиз

сўз билан

Жисмоний шахсларга миллий валютадаги банк карталари орқали очик линияли овердрафт кредити бериш тўғрисидаги шартнома намунасишахрийил

Бир тарафдан АТ “Алоқабанк” (бундан бўён матнда **КРЕДИТОР** деб аталувчи) номидан  
йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи  
АТ “Алоқабанк” \_\_\_\_\_ бошлиги \_\_\_\_\_  
ва иккинчи тарафдан \_\_\_\_\_ да истиқомат қилувчи жисмоний  
шахс \_\_\_\_\_ (паспорт маълумотлари:  
\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.йилда берилган \_\_\_\_\_ сонли  
паспорта асосан \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.йилда туғилган) (бундан бўён матнда **ҚАРЗДОР** деб  
аталувчи) (биргаликда **ТАРАФЛАР** деб аталувчи), ушбу Шартномани қуидагилар ҳақида  
туздилар:

**1. ТУШУНЧАЛАР**

1.1. Шартномада қуидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Овердрафт** - банк қисқа муддатли кредитининг алоҳида тури бўлиб, бунда банк картаси  
эгасига ўрнатилган лимит доирасида унга тегишли банк картаси ҳисобварағидаги қолдиқдан  
кўпроқ суммада маблағ ишлатишига имконият беради.

**2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

2.1. **КРЕДИТОР** ҚАРЗДОРга, иш ҳақи лойиҳасидаги № xxxx-xxxx-xxxx-xxxx сонли  
банк картаси (кейинги ўринларда БПК) орқали \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм  
миқдорида йиллик \_\_\_\_% устама ҳақи тўлаш шарти билан \_\_\_\_\_ ой муддатга  
\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.йилгача шартномада назарда тутилган шартларда қайта тикланадиган (револьвер)  
шаклда овердрафт кредити ажратади, **ҚАРЗДОР** эса ундан кредит беришнинг умумий  
қоидаларига (таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтаришилиги ва тўловлилигига) риоя этган  
холда фойдаланади ва қайтаради.

2.2. Кредитнинг тўлиқ қиймати \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) фоизни ташкил қиласида ва у  
куйидаги тўловларни ҳисобга олиб ҳисобланади:

- кредитнинг асосий қарзи – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, \_\_\_\_ тийин;
- фоизлар бўйича тўловлар – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, \_\_\_\_ тийин;
- суғурта тўловлари – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, \_\_\_\_ тийин;
- гаров мулкини баҳолаш бўйича тўловлар – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм;
- “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ти  
Низом (рўйхат рақами: 905-сон, 2000 йил 2 март)нинг иловасига асосан бошқа тўловлар  
– \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм.

**3. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

3.1. Шартнома кучга киргандан эътиборан 3 (уч) банк иш куни ичida **КРЕДИТОР**  
**ҚАРЗДОР**га БПК орқали банк кредитидан фойдаланиш имконини берувчи кредит  
ҳисобварагини очади ва шартноманинг 3.3-бандига асосан Овердрафт лимитини ўрнатади.

3.2. Овердрафт кредити шартнома суммаси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни  
ташкил этади. **ҚАРЗДОР** шартнома муддати давомида кредитдан бир неча маротаба  
фойдаланиши мумкин.

3.3. Овердрафт шартномаси муддати 12 та даврга бўлинади ва ҳар бир давр учун алоҳида лимит  
белгиланади. Ушбу лимит суммаси кредит шартномасининг суммасига нисбатан камайиб бориш  
тартибида 1-жадвалга мувофиқ белгиланади.

3.4. Овердрафт кредити ИАБТ дастурида овердрафт лимити суммаси ишлатилганлиги тўғрисидаги клиринг транзакцияси қайта ишланиб, ссуда ҳисобварагида тегишли бухгалтерия ўтказмаси акс эттирилганидан сўнг берилган ва қайтариленган ҳисобланади.

3.5. Овердрафт кредити бўйича йиллик \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) фоиз микдорида устама хақ ҳисобланади.

3.6. Овердрафт кредити бўйича фоизлар кредит берилган кундан бошлаб кредитнинг асосий қарзи сўндирилганча бўлган давр учун кредит қолдиқ суммасига нисбатан кунлик ҳисобланади. Овердрафт кредити бўйича фоизлар ҳисобланниши кредит тўлиқ сўндирилганлиги тўғрисидаги клиринг транзакцияси ИАБТ дастурида қайта ишланганидан сўнг тўхтатилади.

3.7. Шартнома бўйича **КАРЗЛОР**га кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган баъча банк хизматлари учун **КАРЗДОР** банк тарифида назарда тутилган банк хизмат ҳақини **КРЕДИТОР**га тўлайди.

3.8. Банк тарифлари қайта тасликлangan таклиюла. **КАРЗЛОР** кўрсатиладиган банк хизматлари учун амалдаги янги тариф бўйича хизмат ҳақини тўлайди.

3.9. Янги таҳрирдаги тарифларни банкнинг расмий веб сайт ([www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz))да эълон қилиниши, **КАРЗДОР**ни бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари шартнома **ТАРАФЛАРИ** учун мажбурий ҳисобланади.

3.10. **КАРЗДОР** кредитга ҳисобланган фоизларни **КРЕДИТОР**га ҳар ойнинг охирги санасидан кечиктирмасдан тўлайди.

3.11. **КАРЗДОР КРЕДИТОР**га овердрафт кредити таъминоти сифатида куйидагиларни тақдим этади:

---

3.12. **КАРЗДОР** БПК ҳисобварагига кирим қилинган маблағлар дастурий равишда тўлиқ микдорда кредит бўйича қарздорликларни сўндириш учун йўналтирилади ва кредит маблағидан фойдаланиш учун янги лимит шартноманинг 3.3-бандига мувофиқ ўрнатилади.

3.13. **КАРЗДОР**нинг БПК ҳисобварагига ҳар ой кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ёки бошқа турдаги келиб тушган маблағлар ҳисобидан кредит шартномаси шартларига мувофиқ кредитнинг асосий қарзи ва фоиз қарздорликлари сўндирилиб борилади. Бунда, биринчи навбатда, муддати ўтган пенялар, фоизлар ва асосий қарз, кейинги навбатда ҳисобланган жорий фоиз қарздорлиги ва асосий қарз сўндирилади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. КРЕДИТОР**нинг мажбуриятлари:

- Овердрафт кредити ажратиш бўйича Кредит комиссиясининг ижобий қарори қабул қилингандан сўнг 3 (уч) банк иш куни ичida **КАРЗДОР**га ссуда ва бошқа зарур ҳисобвараклар очиш;
- **КАРЗДОР** БПК эгасига белгилangan лимит доирасида Овердрафт кредити ажратиш;
- **КАРЗДОР**нинг БПК ҳисобварагига кирим қилинган маблағларни Овердрафт кредитининг асосий қарзи ва фоиз қарздорликларини сўндиришига йўналтириб бориш;
- **КРЕДИТОР** “Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терорризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилиш.

##### **4.2. КРЕДИТОР**нинг ҳуқуқлари:

- **КАРЗДОР** томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, кредитни, унинг фоизларини ҳамда ҳисобланган пеняларни талаб қилиши, ҳамда **КАРЗДОР**нинг барча мол-мулкларидан ва таъминот ҳисобидан ундириш чорасини кўришга;

- **КАРЗДОР** томонидан шартнома шартларининг бажарилиши, кредит таъминоти, кредит шартномаси шартлари тўғрисидаги маълумотларни Кредит ахбороти таҳлилий маркази кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрига тақдим қилиб боришга;

- **КАРЗДОР** томонидан шартнома шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ва/ёки муддати ўтган қарздорлик юзага келганда, **КАРЗДОР**нинг ўзидан ёки унинг иш берувчисидан ишдан бўшаганлиги ёки иш ҳақи кредитни қайтариш графиги бўйича қарздорликни тўлай олмайдиган даражада камайганлиги ҳақида маълумот олинган тақдирда шартномани ва овердрафт кредит лимитини бекор қилиш ва банк картасига таъкиқ қўйишга;

- ҚАРЗДОРнинг овердрафт лимити белгиланган банк картасига 2 ой муддат мобайнида унинг ўртача бир ойлик иш ҳақи/пенсия маблағларига тенг бўлган ойлик иш ҳақи/пенсия маблағлари тушмаса белгиланган лимитни бекор қилишга;

- шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, банкка кредит бўйича қарзни сўндириш мақсадида, ҚАРЗДОРнинг банкдаги ҳар қандай ҳисоб рақамларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини ечиб олишга;

- қонунчиликка мувофиқ, кредит бўйича қарзни сўндириш мақсадида кафилнинг ҳисоб рақамидаги маблағлари ҳамда кафилнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш борасидаги ҳар қандай хукуклардан фойдаланишга;

- ҚАРЗДОРнинг даромади (ойлик иш ҳақи) кредит тўловларини амалга оширишга етарли бўлмайдиган даражага камайган ҳолларда овердрафт лимитини бир томонлама камайтиришга ёки бекор қилишга;

- КРЕДИТОР қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда ҚАРЗДОРни олдиндан хабар қилмасдан операцияларни тўхтатиб қўйиши (мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиши) ва пул маблағларини ёки бошқа мол мулкини ишга солмасдан тўхтатиб қўйишига ҳақлидир.

#### 4.3. ҚАРЗДОРнинг мажбуриятлари:

- Овердрафт қолдиғи жорий давр учун белгиланган лимитидан юқори бўлса, мазкур тафовут суммаси қарз олувчи томонидан жорий даврнинг охирги санасидан кечиктирасдан сўндирилади (лимит суммасидан тўлиқ фойдаланилганда 2-жадвалга мувофиқ);

- Кредит ажратиш учун банкка тақдим этилган иш ҳақи даромадларининг овердрафт кредити ажратилган банк картасига тушишини таъминлаш (иш ҳақи даромадини бошқача тарзда олмаслик);

- Овердрафт кредит қолдиғини шартномада кўрсатилган муддатларда БПК ҳисобварағига кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ёки бошқа турдаги маблағлар ҳисобидан, зарур ҳолларда банк картасига нақд пул маблағларини кирим қилиш орқали сўндириб бориш;

- Ойлик иш ҳақи маоши миқдори камайган тақдирда бу ҳақда банкни 5 (беш) банк иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- Ишдан бўшаганда, яшаш манзили, фамилияси ёки исми ўзгарганда, иш берувчига ишдан бўшатиш тўғрисида ариза берган кундан кейин бир банк иш куни ичida банкни хабардор қилиш ҳамда кредит қарздорликларини муддатдан олдин сўндириш;

- Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайташилик, тўловлилилк ва таъминлаганлик тамойилларига риоя қилиш;

- Кредитни расмийлаштириш ва олиш учун Банкка тақдим этиладиган/этилган барча хужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончлилигини таъминлаш;

#### 4.4. ҚАРЗДОРнинг хукуқлари:

- КРЕДИТОРнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказади. ҚАРЗДОР КРЕДИТОРдан маблағларни қайташини, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун хужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш хукуқига эга.

- Белгиланган овердрафт лимити доирасида кредит маблағларидан фойдаланиш;
- кредит қарздорликларини муддатдан олдин сўндириш;
- Кредит қарздорлиги бўйича Банкдан маълумот олиш.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганда, томонлар амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

5.2. ҚАРЗДОР шартномага асосан кредитнинг асосий қисмини қайташи бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда кредитнинг муддати ўтган асосий қисмiga ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг 3.5. бандидаги фоиз ставкасининг **1,5 баробари** миқдоридаги (бироқ, **50 фоиздан ошмаган**) йиллик ставкада ҳисбланадиган, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. **ҚАРЗДОР** шартномага асосан ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажариши кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,7** фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.4. Пеняларнинг **ҚАРЗДОР** томонидан З кунлик муҳлат ичида ихтиёрий тўлаб бериши учун талабнома юборилади. Талабнома бажарилмаган ёки жавобсиз қолган тақдирда банк пеняларни қарздорнинг ҳар қандай ҳисоб рақамларидан акцептсиз равишда кредит қўмитасининг қарори асосида мемориал ордер ёки тўлов талабномаси воситасида ундириб олиш ҳукуқига эга.

5.5. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган **ТАРАФ** неустойкадан ташқари етказилган заарни тўлиқ микдорда тўлайди.

5.6. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни қоплаш ёки мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ҳисобланган неустойкани тўлаш мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

## 6. МАХФИЙЛИК

6.1 **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ахборотни кредит бюросига ва гаров реестрига, скоринг компаниясига, мобил алоқа операторига ва зарур бўлганда, сугурта компаниясига берилишига, шунингдек хизматларни амалга ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш, фойдаланиш ва учинчи шахсга тақдим этилишига розилик билдиради.

6.2. Банк барча керакли маълумотни шартнома доирасида, ўз мажбуриятларни бажариш учун, учинчи шахсларга бериш ҳукуқига эга бўлади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

7.2. **ТАРАФЛАР**нинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. **ТАРАФЛАР** шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, **ТАРАФЛАР** олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулотда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (масалан, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий ёки техноген оғатлар) ҳисобланса, жавобгарлиқдан озод этилади.

8.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган **ТАРАФ** бошқа **ТАРАФ**ни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишида 2 кун ичида хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган **ТАРАФЛАР**нинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган хужжат тақдим этилиши керак.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДАТТИ

9.1. Шартнома **ТАРАФЛАР** имзолаган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва юридик кучга киради.

9.2. Шартнома **ТАРАФЛАР** мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласи.

9.3. Банкнинг кредит бериш борасидаги мажбурияти шартномада белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганидан кейин кучга киради.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

10.2. Шартномада акс эттирилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тартибга солинади.

10.3. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишув тузиш орқали расмийлаштирилади.

10.4. ҚАРЗДОР амалга оширилган тўловлар ва кредит қарздорлиги миқдори (асосий қарз, фоиз, пеня қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида уяли алоқа воситалари орқали SMS хабарномалар юборилишига КРЕДИТОРга розилигини билдиради.

10.5. ҚАРЗДОРнинг телефон рақами ўзгарган тақдирда 3 (уч) иш куни ичида КРЕДИТОРни хабардор қилади, ҚАРЗДОРнинг телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ёки янги рақамини КРЕДИТОРга тақдим қилмаганлиги сабабли ҚАРЗДОРГа SMS хабарномалар бормаганда КРЕДИТОР жавобгар ҳисобланмайди.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| КРЕДИТОР  | ҚАРЗДОР   |
|---|---|
| АТ “Алоқабанк” _____<br>Манзил: _____<br><br>х/р: xxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx<br><br>МФО: _____<br>СТИР: _____<br>Тел: _____<br><br>АТ “Алоқабанк” _____ бошлиги<br><br>_____ (имзо)<br>Бош бухгалтер<br><br>_____ (имзо) | _____<br>томонидан _____. _____. _____. йилда берилган _____. _____. _____. йилда паспортга асосан _____. _____. _____. йилда туғилган.<br><br>Рўйхатдан ўтган манзили: _____<br><br>Яшаш манзили: _____<br><br>_____ (имзо)<br>Тел: Уй (_____) _____<br>Мобил (_____) _____<br>Иш жойи (_____) _____<br><br>М.У. |

Жисмоний шахсларга миллий валютадаги  
банк карталари орқали очик линияли  
овердрафт кредити бериш түғрисидаги  
шартнома намунасига 1-илова

1-жадвал

**Овердрафт лимити.**

| Давр    | Муддат                  | Лимит миқдори   |
|---------|-------------------------|---|
| 1-давр  | 05.01.2019 - 04.02.2019 | 100 фоиз  |
| 2-давр  | 05.02.2019 - 04.03.2019 | 100 фоиз  |
| 3-давр  | 05.03.2019 - 04.04.2019 | 90 фоиз   |
| 4-давр  | 05.04.2019 - 04.05.2019 | 80 фоиз   |
| 5-давр  | 05.05.2019 - 04.06.2019 | 70 фоиз   |
| 6-давр  | 05.06.2019 - 04.07.2019 | 60 фоиз   |
| 7-давр  | 05.07.2019 - 04.08.2019 | 50 фоиз   |
| 8-давр  | 05.08.2019 - 04.09.2019 | 40 фоиз   |
| 9-давр  | 05.09.2019 - 04.10.2019 | 30 фоиз   |
| 10-давр | 05.10.2019 - 04.11.2019 | 20 фоиз   |
| 11-давр | 05.11.2019 - 04.12.2019 | 10 фоиз   |
| 12-давр | 05.12.2019 - 04.01.2020 | 0 фоиз<br>(12- давр кутиш даври<br>хисобланиб ушбу ойда кредит<br>ажратилмайди) |

Жисмоний шахсларга миллий валютадаги  
банк карталари орқали очик линияли  
овердрафт кредити бериш түғрисидаги  
шартнома намунасига 2-илова

2-жадвал

**Овердрафтни қайтариш (лимитдан тўлиқ фойдаланилганда). Намуна.**

| <b>Давр</b> | <b>Муддат</b>           | <b>Белгиланган<br/>лимит</b> | <b>Тўлов<br/>суммаси</b> | <b>Фоиз<br/>тўлови</b> | <b>Жами тўлов</b>   |
|-------------|-------------------------|------------------------------|--------------------------|------------------------|---------------------|
| 1           | 05.01.2019 - 04.02.2019 | 10 000 000,0                 | 0,0                      | 369 863,0              | <b>369 863,0</b>    |
| 2           | 05.02.2019 - 04.03.2019 | 10 000 000,0                 | 0,0                      | 332 876,7              | <b>332 876,7</b>    |
| 3           | 05.03.2019 - 04.04.2019 | 9 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 369 863,0              | <b>1 369 863,0</b>  |
| 4           | 05.04.2019 - 04.05.2019 | 8 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 321 780,8              | <b>1 321 780,8</b>  |
| 5           | 05.05.2019 - 04.06.2019 | 7 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 295 890,4              | <b>1 295 890,4</b>  |
| 6           | 05.06.2019 - 04.07.2019 | 6 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 250 274,0              | <b>1 250 274,0</b>  |
| 7           | 05.07.2019 - 04.08.2019 | 5 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 221 917,8              | <b>1 221 917,8</b>  |
| 8           | 05.08.2019 - 04.09.2019 | 4 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 184 931,5              | <b>1 184 931,5</b>  |
| 9           | 05.09.2019 - 04.10.2019 | 3 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 143 013,7              | <b>1 143 013,7</b>  |
| 10          | 05.10.2019 - 04.11.2019 | 2 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 110 958,9              | <b>1 110 958,9</b>  |
| 11          | 05.11.2019 - 04.12.2019 | 1 000 000,0                  | 1 000 000,0              | 71 506,8               | <b>1 071 506,8</b>  |
| 12          | 05.12.2019 - 04.01.2020 | 0,0                          | 1 000 000,0              | 36 986,3               | <b>1 036 986,3</b>  |
| <b>ЖАМИ</b> |                         |                              | <b>10 000 000,0</b>      | <b>2 709 863,0</b>     | <b>12 709 863,0</b> |